

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ

ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
филология фанлари номзоди



ДОСТОН – ШЕЪРИЯТ ГУЛТОЖИ

Адабий жараёнда ҳар бир жанрнинг ўз ўрни бўлиб, бу жанр қимматини яратилган асарлар сони эмас, сифати белгилайди. Ўтган йили адабий жараёнда достон жанрида асарлар нисбатан кам яратилди. Шукурким, сон жиҳатдан камроқ бўлсада, бадиий жиҳатдан пухта достонлар ёзилгани кўнглимизга таскин беради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Абдулла Ориповнинг “Истиқлол манзаралари” асари мана шундай достонлардан биридир. Асар, аввал, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилди, сўнг, “Тафаккур” нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган достон – “Йигирма йил”, “Тоғлар ҳикояси”, “Ўзбек иши”, “Мурунтов”, “Элобод”, “Қамчиқ довони”, “Имом Бухорий”, “Женева” сарлавҳалари асносида саккиз қисмга ажратилган. Лекин, буларнинг ҳаммасини бирлаштириб турувчи ягона илдиз бор. Бу истиқлолимизнинг осон қўлга киритилмагани, уни асрашга ҳар бир ватандош масъуллигини таъкидлаш ва уқтиришдир. Мазкур йигирма йил енгил кечмади, “арслон наъраси қутқу солганда, сувараклар ҳам жим турмади”. Мустақиллик карвони хатарли йўллардан доно Сарбони бошлиқ шарафла келаётган карвондир:

Довонлардан шу тахлит
Ғолиб ўтган карвон бу.
Йигирма йил зил юкни
Олиб ўтган карвон бу.

Достоннинг “Ўзбек иши”, “Мурунтов” бобларида шоир юракни ларзага соладиган сатрларда мустабид тузум давридаги зулмни ифодалайди:

Пахтасини тердириб,
Бозорида сотсалар.
Кечқурун юлдуз бериб,
Эртасига отсалар.

Ўғри билан қароқчи
Ошни бирга есалар,
Буларнинг барчасини
“Ўзбек иши” десалар.

Аммо, шоир бу туҳматларга қарши ўзбекларнинг жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган халқлигини чиройли далиллар-ла исботлайди:

Санайверсанг барчасин
Осмон – қоғоз, нур – қалам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекнинг кимлигига
Тан берган бутун олам.

Бузилди зиндонларнинг
Эшиги-ю тирқиши.
Билиб қўйгин биродар
Мана бу ўзбек иши.

Зулм қоронғулигидан, эрк ойдинлигига чиқиш, миллат обрўсини тиклаш ҳақиқий ўзбек иши эканлигини муаллиф: “билиб қўй”, дея таъкид билан айтади. Мисралар замирига сингдирилган ўзбекона ғурур туйғуси китобхон кўнглига кўчади.

Достоннинг “Мурунтов” қисмида шоир халқ оғзаки ижоди унсурларидан фойдаланган ҳолда, фикрни рамзларда, ишораларда беради:

Тилла дермиш: қудратим
Узун қилди тилимни.
Енга олмадим фақат
Ажал билан илмни.

Халқона тафаккур ёғдуларила нурланган сатрлар зимнидаги моҳият Фотиҳ ва Ботир образларида ёвузлик ва эзгулик кураши тимсолида намоён бўлади. Фотиҳнинг қаҳрли иддаоларига Ботирнинг жавоби доимо халқ манфаатини ўйловчи, енгилмас халқ қаҳрамонини эслатади:

Ботир деди: – Конларим
Халқимнинг мулки эрур.
Фотиҳ деди: – Бу гапинг
Хом хаёл, кулги эрур.

Мурунтовни фатҳ этдим
Мен ўз яроғим билан.
Ботир деди: – Мен уни
Қазгум тирноғим билан.

Фотиҳ билан Ботирнинг баҳсида “замон сири” яширинган. Зоҳиран сўзи бошқа, ботинан иши бошқа даврнинг мустабидлик моҳияти очилган.

Достон бадиий топилмаларга бой. Шоир кўплаб оригинал қиёслар топади: “кўмсалар, қўллари ҳам саксовул бўлиб унди”, “ўққа учган ўғилдай орол завол топганда”, “ҳа, замоннинг ҳовузи лойқага тўлган эди” каби мисралар юксак бадиий савияда теран маъно айтишнинг ажойиб намунасидир.

Достонни мозаика асносида яратилган гўзал адабий полотно дейиш мумкин. Муаллиф хотираларга берилиш ёки ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни ҳаётий факт сифатида усталик билан асарнинг умумий руҳига сингдириб юборадики, бу ҳолат асарнинг жозибадорлигини оширган. “Ҳар йиғинда ўрним бор, эрта кундан кўнглим тўқ. Маъқул келса, ҳа, дейман, номаъқулга ҳушим йўқ”, тарзида кўтаринки руҳда тугалланган достон йилнинг сара асарларидан бўлиб қолиши, шубҳасиз..

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг “Табибнома ёхуд Иброҳимжон Асқаров” достонидан боблар “Заррин япроқлар” дея номланган сайланмасининг учинчи жилдидан жой олган. Айни пайтда, асар “Ўзбекистон” нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида чоп қилинди. Достонга машҳур табиб Иброҳимжон Асқаров бош қаҳрамон қилиб олинган. Достоннинг асосий моҳияти саратон касаллигига чалинган онаси дардига даво топган фарзанд шукронасидир:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аввало, буюк эл, халқ бўлсин соғлом,
Турмушда бирор жон кўрмасин шикаст.
Азиз пирларимга чексиз эҳтиром,
Улардан оларман бир умрлик дарс.

Достонда табиб кашф қилган кўпгина малҳамлар таърифи ҳам алоҳида-алоҳида берилади. Асар тиббиёт мавзусида ёзилган достон сифатида ва замонамизнинг Иброҳимжон Асқаровдек олимлари ишини чиройли кўрсатиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Асарнинг яна бир ўзига хослиги, шоир кўпгина боблар якунини рубоий шаклида беради, ихчам тўртликка хулосавий мазмунни юклашга ҳаракат қилади:

Она алласига тўймаган бола,
Гўёки қировда қолган гуллола.
Ватанни севаман, дейди-ю, аммо,
Қалбида туйғулар пишмаган чала.

Достонга сўнгсўз ёзган тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаров: “Машаққатлар маконидан кўп қиррали фаолияти билан дадил отилиб чиқиб, амалиёт жабҳасида жавлон ураётган инсоннинг яхлит илмий ва ижод қиёфасини ёритиб бера олиш анча машаққатлигини” уқтирган ҳолда, шоир Тўлан Низом бунинг уддасидан чиқа олганини тўғри таъкидлаган.

“Шарқ юлдузи” журналининг 2011 йил 1 сонида атоқли шоир Икром Отамуроднинг “Қуш” достони эълон қилинди. Достонга грек шоири Яннис Рицоснинг:

Қуш менинг бошимда
ўтади
кечадан кечага
бедор, – мисралари эпиграф қилиб олиниб, қуш тимсолида шоир ўз кўнгил пучмоқларидаги ҳисларини сукут ичра ифодалайди. Икром Отамурод ўз ижодий йўлига содиқ қолган ҳолда, янги достонини ҳам аввалларидек ёзган достонлари: “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Ҳувийят” руҳида давом эттирган. Шоир ўзлигига хос бўлган кўнгил зимнидаги туйғуларини оҳорли сатрларда, ботиний маъно юклаб акс эттиради. Достон енгил ўқиладиган асарлардан эмас. Ўқувчини фикрлашга ундайдиган, айрим ўринларини такрор-такрор ўқиб, мазмунини чақадиган жиҳатлари бор.

Қуш – кўнгил рамзи. Инсоннинг ўз кўнглига теран назар солиши, кўнгилга кўнгил кўзи билан нигоҳ ташлашнинг самараси ўлароқ ёзилган достон дейиш мумкин. Шоир ўз кўнгли билан ўзи суҳбатдош, дарддош:

Сен – малулсан,
мен-да,
малул,
сен менга
мен сенга
кангул;

Шоир туйғулар билан фикр монандлигига эришиш учун сўзнинг қат-қатидаги маъноларни очишга интилади. Унинг архаизмлардан, шева сўзларидан унумли фойдаланишга эътибори ҳам шундан бўлса керак.

Айни пайтда, Икром Отамуродда бир сўзни мисра сифатида бериб, маънони кучайтириш ёки ҳарфларни чўзиш орқали, унга сўзнинг моҳиятини жойлаштириш ҳолати бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масалан:

... Би-ир-рр пай-йт-ла-арр,
... Осмони кенг эди қушнинг...

Қушнинг питирлашини ёдингизга солгани ҳолда, орттирилган “р” ундоши ўзгача оҳанг берган. “Шовқинлар орасидан сукут қидириб, шовқинлар измидан шовқинлар ундириб, шовқинлар шовқинларга шавқ-ла талпинар”. Қушнинг рамзий жилваси, мисраларнинг поэтик оҳори, шеърий жозибаси бу сатрлар овоз чиқариб ўқилганда, янада теранроқ англашилади. Товушлар уйғунлигига эътибор қилган тарзда, сўзларга мос оҳанг топиб ўқиш, китобхонни икки бор завқлантиради. Айрим ўринларда кўп нуқталар сўздан олдин ҳам, сўздан кейин ҳам келадики, бу нуқталар мисолида ўқувчи тафаккуридан, дунёқарашидан келиб чиқиб, нимадир ўзича қўшиб ўқисада бўлади. Бундай мисралар китобхонни фаол бўлишга, фикрлашга ундайди:

..... Қуш – уч – аввал .....
..... Қуш – уч – кунж .....
..... Қуш – уч – рақам .....
..... Қуш – уч – имдод .....
..... Қуш – уч – ҳаракат .....
..... Қуш – уч – манзил .....

Бу объект, метафора, хулоса тарзидаги учликда кўнгилнинг жуғрофияси, кўнгил атмосфераси берилган, дейиш мумкин.

Достонда сукут, гирд, шовқин, армон каби тушунчалар моддийлаштирилади, ҳар бир сўзнинг, тушунчанинг мазмунида яна бир моҳият кўрган шоир, маъно ботинидаги ҳисни ифодалашга интилади. Достон сўнггида сукут ғаврига (тубига) ўзини урган:

Қуш руҳида
порлайди
ё раб,
сукут тубида йилтираган нур.

Достоннинг шу тарзда якунланиши яхши, сабаби, инсон неки изласа, аввало, уни ўзидан топишига ишора қилади. Достоннинг айрим ўринларида архаик сўзлар (борҳо, қурб, жиймо, изо, кунжи) кўпроқ қўллангандек туюлади, аммо бу ўқувчини зериктирмайди, достон архитектоникасини бузмайди.

Нодир Жонузоқнинг “Соғинч – суягимга сингиб кетган ғам” номи билан (“Ёшлик” журнали. 2011 йил. 11-сон.) эълон қилинган “Кузги япроқлар”ини кичик лирик достон (олтита шеърдан иборат) дейиш мумкин. Шоир куз фаслига муносабатини дўстга муносабатидай ифодалайди. Тирик инсон билан гаплашаётгандек, куз билан суҳбатлашади. Айни пайтда, куз ҳам унга дардини айтади:

Кузга савол бердим:
“Афу этгин, куз
Нега рангинг сариқ, юзларинг заҳил?”
Куз жавоб қайтарди бош эгиб маъюс:
“Ошиқман
Баҳорни севаман, ахир!”

Бироқ, дунё зиддир менинг измимга,
Мудом менга қарши қайраб турар тиш.
Севгим томон юрсам, қайт дер изингга,
Ўртамизга муздан тўсиқ қўяр қиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таъқибларга дуч келган, ортга юрай деса: “Қайноқ тошлардан қалъа қурган Ёз таъна қилади”. Мана шу дил ёришларда шоир табиат унсурларини жонлантиркан, момақалдироқнинг эълони, само ва заминнинг уч ой мотам тутиши, кузни оқ кафанга ўраган қиш ҳолатлари тасвирини ўзининг ҳаётга қарашлари, фалсафий мушоҳадалари билан улаб кетади:

Кўмилади. Мана шу тахлит
Ташлаб кетди не-не кузларим.
Қилай десам уларга тақлид
Жон ипимни ҳали узмадим.

Кузги ҳазонларни ёқиш кузнинг жон беришига қиёси жуда гўзал топилган. Биргина: “Ер кичкина кўмиб бўлмайди” сатрида кузга юкланган поэтик маънонинг залвори бор:

Куз!
Тушунгин,
Қисматинг гулхан,
Ўзгасига кўниб бўлмайди.
Ахир, сенинг вужудинг улкан
Ер кичкина кўмиб бўлмайди.

Нодир Жонузоқнинг мазкур достони табиат ҳодисаларига шоирнинг кўнгил кўзи билан янгича боқишининг яхши намунаси. Ифодаланмоқчи бўлган фикрларни туйғунинг сал тарзда ўқувчига юқтира олинишининг ижобий кўринишидир.

“Шарқ юлдузи” журналининг учинчи сонида Самандар Воҳидовнинг “Видо достони” номли достон-марсиясидан боблар эълон қилинган. Достон Садриддин Салим Бухорий вафотига марсиядир. Достондан парчалар эълон килингани боис таҳлилдан тийилдик.

Умумий хулоса қилганда, ўтган йилда достон жанрида нисбатан асарлар камроқ ёзилган бўлсада, ёзилганларининг мавзу жиҳатидан ранг-баранглиги, бадиий пухталиги, ижодкорларнинг бу жанрда қаламини синаётгани кишини қувонтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi